Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 6 май, шанба №55 (21.818.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Владимир МОЛГАЧЁВ олган суратлар.

5 май куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашмоқда. Парламент ишида, шунингдек, республика ҳукумати иштирок этмоқда, унга хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, Ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилинган.

Сессияни Республика Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов очди.

Сессия қатнашчилари сессиялар оралиғида вафот этган депутат Усмон Мансуров хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Сессиянинг кун тартиби тасдиқланди ва унинг котибияти сайланди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум якунлари ҳақидаги ахборотни тингладилар. Бу ҳақда Референдумни ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедов маъруза қилди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президент ўз нутқида Референдум натижасига кўра 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган президентлик ваколатлари муддатини давлат бошлиғи лавозимида бўлишлигининг иккинчи муддати деб ҳисоблаш тўғрисидаги масалани кўйди.

Олий Мажлис мазкур баёнотни муҳокама этиб, махсус қарор қабул қилди, ушбу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Республика Бош вазирининг ҳукумат Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини соқит қилиши хусусидаги аризаси муносабати билан Ўзбекистон Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ҳақидаги Фармон тасдиқланди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг иш тартиби лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугровнинг шу ҳақдаги маърузаси тингланди. Музокараларда депутатлардан А. Миржалилов, Ш. Зайнобиддинов, Ҳ. Ғойиббоев, Ф. Омонов сўзга чиқдилар. Парламент иш тартиби тасдиқланди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов маърузаси бўйича Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева таклифига биноан депутатлар қўмиталар таркибини тасдиқладилар.

Олий Мажлис республика Олий суди аъзолари ва Олий хўжалик судини сайлади. М. Абдусаломов Олий хўжалик судининг раиси этиб тасдиқланди.

Республика парламенти ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ УЗАЙТИРИЛГАН ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИНИ ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИДА БЎЛИШИНИНГ ИККИНЧИ МУДДАТИ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Референдум орқали 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатларини давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисида қўйган масалани қараб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Референдум орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган муддатни унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги таклиф Референдумга киритилган масала доирасидан чиқиб кетади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритишни тақозо этади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига мувофиқ ҳамда 90-моддасига амал қилиб, сайловчиларнинг ушбу масала хусусидаги фикрлари ўрганиб чиқилсин ҳамда таклифлар Олий Мажлис Кенгашига киритилсин. Шу мақсадда иловага мувофиқ таркибдаги Комиссия тасдиқлансин.

3. Комиссия ўрганиб чиқилган материалларни белгиланган тартибда умумлаштирсин ва Олий Мажлисга маълум қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ 1995 ЙИЛ 5 МАЙДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1. **Халилов** Эркин Ҳамдамович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси (комиссия раиси)
2. **Ғуломова** Дилбар Муҳаммадхоновна — Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси
3. **Рапиғалиев** Бургутали — Наманган вилояти ҳокими
4. **Усмонов** Соиб — уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси
5. **Эшонов** Баҳодир Отабоевич — Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси
6. **Дониёров** Улуғбек Худойбердиевич — «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг котиби
7. **Бобоев** Ҳалимбой — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг проректори
8. **Исмоилов** Нурдинжон Мўйдинхонович — Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
9. **Ҳамидов** Ҳусниддин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Адабиёт ва тиллар институти шўъбасининг мудири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИНИ 1997 ЙИЛДАН 2000 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАРИГА ДОИР АХБОРОТ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан умумхалқ овоз бериши якунлари ҳақида Референдумни ўтказувчи марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедовнинг ахборотини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Референдумни ўтказувчи марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Таъкидлаб ўтилсинки, Референдум натижалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга юксак ишончидан, унинг раҳбарлиги остида ўтказилаётган давлат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашга, мамлакатда демократия ва ҳуқуқни янада ривожлантириш, фуқаролар жамиятини қарор топтириш, бозор муносабатларига ўтиш, халқнинг маънавий янгиланиши, барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

1941-1945 йиллардаги фашизмга қарши уруш ва меҳнат фахрийлари, республиканинг барча фуқароларига

БАЙРАМ ТАБРИГИ

1941-1945 йиллардаги урушда Ғалаба учун мардонавор курашган отахон ва онахонлар!

Азиз юртдошлар!

Шу кунларда инсоният тарихида мисли кўрилмаган урушда фашизм устидан қозонилган оламшумул тарихий Ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланмоқда. Унинг қўлга киритилишида ўзбек халқи, барча ўзбекистонликларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Минглаб юртдошларимиз, бошқа халқлар вакиллари билан елкама-елка туриб, умумий душманни тор-мор этиш, у босиб олган ерларни озод қилиш, элу юрт тинчлиги, халқимиз эзгу ниятларини рўёбга чиқариш учун қаҳрамонларча жанг қилдилар.

Халқимиз, келажак авлодлар, жаҳоннинг эркпарвар афкор оммаси уларнинг жасорати, матонати, фидойиликларини чексиз ҳурмат қилади, қадрлайди, ҳеч қачон унутмайди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан фашизмга қарши уруш ва меҳнат фахрийларига кўплаб имтиёзлар берилди, уларнинг турмуш шароитлари яхшиланмоқда, кўкракларини «Жасорат», «Шуҳрат» ва юбилей медаллари безади. Қаҳрамонларга урнатилган ёдгорликлар, шаҳид кетган ҳамда эндиликда марҳум жангчиларнинг қабрлари зиёратгоҳга айланди.

Қирғинбарот урушнинг оловли жангтоҳларидан эсон-омон қайтган сиз-муҳтарам фахрийларимиз тинч қурилиш даврида ҳам фидокорона меҳнат қилдингиз, ҳозир эса Ватанимиз миллий давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодиёти, илму фани ва маданиятини равнақ топтириш халқаро нуфузини ошириш, ёш авлодни халқимизнинг энг яхши анъаналар руҳида тарбиялашдек олижаноб ишларга ўзингизнинг беқиёс ҳиссангизни қўшмоқдасиз.

Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийлари!

Азиз ватандошлар!

Сизларни Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги билан чин қалбдан табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фаровон ҳаёт тилаймиз.

Барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқишини, Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, фарзандларингиз бахтли ҳаётининг жонли гувоҳлари бўлиб юришларингизни тилаб қоламиз.

Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз абадул-абад мусаффо бўлсин!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

4 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика Олий Мажлисидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар бўйича фракциянинг нуқтаи назари ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракциясининг 1995 йилги тахминий иш режаси кўриб чиқилди.

Фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мазкур масалалар бўйича маъруза қилди.

Бўлажак сессия кун тартибига биринчи масала қилиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги референдум якунлари ҳақидаги ахборотнинг қўйилганлиги бежиз эмас, деб таъкидлади маърузачи. Чунки, ўз миллий давлатчилигини қураётган, ҳокимиятнинг сифат жиҳатдан янги сиёсий тузилмаларини барпо этаётган Ўзбекистон учун қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ваколатларини амалга оширишнинг даврий муддатлари мутаносиблигини таъминлаш ғоятда муҳим эди. Шу боис, партиямиз Марказий Кенгаши, барча ташкилотларимиз умумхалқ сўровини ўтказиш ғоясини бошданоқ қўллаб-қувватладилар. Унда ижобий натижага эришиш учун ҳамма имкониятларини сафарбар қилдилар.

Натижа эса, маълум: мамлакатимиз фуқароларининг мутлақ кўпчилиги мамлакатимиз Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача ўзайтиришни ёқлаб овоз берди. Бу билан у И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлига ишонч билдирди. Референдум якунлари, шубҳасиз, юртимизда барқарорликни, ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятимиздаги янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун шароит яратади. Эндиги вазифа — халқ билдирган ишончни оқлаш учун юртимиз ички ва ташқи сиёсатини амалда қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг қўламли, тақдириломон ишларда фаоллик билан қатнашишдан иборат.

Музокараларда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов, Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби Р. Мухторов ва Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Эрматовлар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш бир овоздан фракция аъзоларига Олий Мажлис иккинчи сессиясининг таклиф этилган кун тартибини қўллаб-қувватлашни ҳамда унда қабул қилинажак қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда парламентга ХДПдан сайланган депутатларнинг фаол иштирок этганликларидан келиб чиқиб, уларни тўла маъқуллашни ва, умуман, парламентимизнинг самарали ишларига муносиб ҳисса қўшишни тавсия этди.

Шунингдек, йиғилишда фракциянинг 1995 йилги иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун, баҳор фасли ҳаммага янги куч-қувват, ғайрат бағишлаб турган бир пайтда сизлар билан учрашаётганимдан ғоят мамнунман. Одамларимизнинг, халқимизнинг кайфияти хуш бўлса, шу жумладан, халқ вакиллари — депутатларимизнинг ҳам чеҳраси очиқ бўлса, бу ҳол олдимиздаги улкан ва мураккаб муаммоларни ечишда, вазифаларни адо этишда бизга мадад берувчи куч бўлиши шубҳасиз.

Мен бугун сизларнинг диққат-эътиборингизни асосан иккита масалага қаратмоқчиман:

Биринчи масала. Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ Референдуми муносабати билан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни сиз, муҳтарам халқ вакиллари билан ўртоқлашмоқчиман.

Иккинчи масала. Ушбу сессиянинг тарихий сана — фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганини назарда тутиб, бу борадаги фикрларимни билдирмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми давлатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Референдумнинг якунлари сизларга яхши маълум.

Бу тўғрида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов ҳам батафсил ахборот бериб ўтди.

Лекин, бугунги фурсатдан фойдаланиб, Референдум ҳақида гапирар эканмиз, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб, уларни яна бир бор аниқлаб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Авваламбор:

Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди?

Референдумнинг якун-натижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу якунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?

Биринчидан: Референдум, ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тадбир бўлиб, умумдавлат аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш **мақсадида** ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида **Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тармоқларининг,** керак бўлса, **бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш** масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб қўйилган эди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

Муталов Абдулҳошим — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Жўрабеков Исмоил Ҳакимович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

Пайгин Юрий Федорович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Саидқосимов Саидмухтор Саидғозиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Султонов Ўткир Тўхтамурадович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

4 май куни Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи назарини шакллантириш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз парламентининг навбатдаги сессияси мустақил юртимизда бунёд этилаётган миллий давлат қурилишига даҳлдор долзарб масалаларни кўриб чиқажаги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Олий Мажлис сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисида Референдум якунлари ҳақида ахборотнинг тингланиши муҳим аҳамият касб этади. Референдумнинг ижобий натижаси мамлакатимиз, халқимиз учун тақдириломон омилдир. Сиёсий ижроқўм умумхалқ овоз беришининг муваффақиятли ўтганлигида партиямизнинг ҳам муайян ҳиссаси борлигини қайд қилди, унинг якунларининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини кўрсатиб ўтди, сессияда қабул қилинадиган қонунлар ва қарорлар, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда янги салмоқли одимлар бўлди, деб ишонч билдирди.

Сиёсий ижроқўм партиямиздан сайланган депутатларга Олий Мажлис иккинчи сессиясининг таклиф этилган кун тартибини қўллаб-қувватлаб, ундаги масалалар дастлабки тарзда муҳокама этилганда, шунингдек, ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда фракциямиз аъзоларининг фаол иштироқ этганлигини инобатга олиб, уларни маъқуллашни тавсия этди. Фракция аъзолари, дейилди мажлисда, сессиянинг самарали ўтишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Аҳоли ўртасида Олий Мажлис иккинчи сессияси якунларига доир тушунтириш ишларини олиб бориш борасида ХДП барча даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг вазифалари белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни ишчи лойиҳасини тайёрлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Шу муносабат билан Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссиясини тузишга қарор қилди ва унинг таркибини тасдиқлади.

Мажлис Ўзбекистон ХДП партиялараро алоқаларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва устивор йўналишларини муҳокама қилди ҳамда маъқуллади. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда, мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аниқ мақсадли халқаро фаолиятини йўлга қўйиш, уни ривожлантириш — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўтиш даври қийинчиликларини енгиш ва халқ турмушини яхшилашда муҳим аҳамият касб этиши уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси мажлисида партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турли тармоқларининг фаолияти шаклланаётган масъулиятли бир пайтда, уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, **улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низо-адоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш** — буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Агар биз ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги номутаносибликка бепарво қарасак, мана шундай иллатларнинг томир отиб кетишига йўл қўйиб берган бўламиз. Бу эса охир-оқибатда сиёсий ҳаётимизнинг соғлом муҳитига, унинг демократик пойдеворига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Буни ҳаммамиз бошқа давлатларнинг мисолида яққол кўриб турибмиз.

Узоққа бормасдан, ўзимизнинг қўшни, ўзини демократик ҳисоблаётган давлатлар мисолида бундай қарама-қаршилик нимага олиб келганини, баъзи давлатлар эса замбарак остида, уққа тутиб, қонуний парламентларини тарқатиб юборганларида кўриш мумкин.

Бугун Референдумнинг якунлари ҳақида фикр юритар эканмиз, кўпдан-кўп одамлар, дипломатик корпус вакиллари, дўсту биродарларимиз, рақибу мухолифларимиз унинг натижаларини турлича тахмин қилганликларини айтиб ўтиш лозим.

Лекин Референдумнинг натижалари ҳар қандай фараз ва тахминлардан ҳам зиёда бўлди.

Бир қанча шарҳловчилар Референдум натижаларини менинг шахсий муваффақиятим сифатида талқин қилдилар.

Аммо бу ўринда, барчамизга аён бўлиши керакки, сайловчилар Президентнинг шахсига эмас, аввало, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатга ўз муносабатларини билдирдилар.

Ҳурматли депутатлар!

Энди Референдум якуни, унинг натижалари ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи бор тарихимизда ўтказилган умумхалқ овоз бериши, умумхалқ маслаҳати нимани кўрсатди?

Референдум, авваламбор, халқимизнинг томир-томири, қон-қонида бўлган **бағрикенглик, олижаноблик** каби юксак фазилатларни, халқимизнинг **эътиқоди баландлигини, онги кенглигини** яна бир бор тасдиқлаб берди.

Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг **руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги** яна бир карра намоён бўлди.

Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, **танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-уқубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларга мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода қилди.**

Тўқсон тўққиз фоиздан зиёд сайловчиларнинг Референдумда иштирок этгани ва қўйилган саволга ижобий муносабат билдирганини бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. **Бунинг илдизи бизнинг ўзлигимизда, халқимизга муносиб улуғ фазилатларда, унинг олижаноблигида деб биламан.**

Яна қайтариб айтмоқчиман. Гап менинг шахсимда эмас.

Ишончим комилки, агар менинг ўрнимда бошқа одам стакчи раҳбар бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни бошқарса, одамларга мана шундай муносабатда бўлса, қалбини, ҳаётини одамларга бағишласа, у ҳам худди шундай ишонч ва ҳурматга сазовор бўлур эди.

Референдумнинг натижаси-ни мен халқимга қилган озми-кўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан. Чуқур мамнуният билан айтмоқчиман: **агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен — ўша, кечаю кундуз халқимнинг бахтини, иқболини тилаб худога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.**

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, авваламбор улкан масъулият, оғир мажбурият, шарафли ваколатдир.

Референдумнинг якуни — парламентга, Президентга, барча ҳокимият органларига халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир.

Референдумнинг якуни танлаган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият қураётган давлатнинг туб ислоҳотларни чуқурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир, белгисидир.

Албатта, Референдум натижаларини баҳолашда бошқача кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон бундай кунларга, натижаларга етолмайдиган айрим сиёсий гуруҳ ва доиралар унинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамиятини пасайтиришга уринмоқдалар.

Бизни кўролмайдиган, истиқболимизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар турли найранг ва усуллар билан Референдум натижаларини камситиш ва шубҳа остига олишга интилмоқдалар.

Шу борада яна бир фикрни билдириш ўринли деб ўйлайман. Гап шундаки, Референдум натижасида ўзини доҳий санаб юрган, мансабпараст, амалпараст айрим кимсаларнинг ҳам умидлари чиппакка чиқиб, ҳафсаласи пир бўлганлиги муқаррар.

Азиз дўстлар!

Биз Референдумдан чиқариладиган хулосалар ҳақида тўхталар эканмиз, биринчи ва энг асосий хулоса шуки, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун вужудга келган шароитни чиндан ҳам қадрлаш ва англашимиз ҳақида гапиришимиз лозим.

Референдум натижаларига суяниб, олиб бораётган сиёсатимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган мақсадларга тезроқ етказадиган, авваламбор, халқимизнинг аҳволини енгиллаштирадиган дастурларни кўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўппартиявийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзлигини англамоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини халққа етказишга, сафларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба орттиришга интилмоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифаларидир.

Мана шундай шароитда юртимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашадиган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар — уларнинг интилишини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу — бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизни бирлаштирадиган, кутарадиган, улуғ мақсадларга чорлайдиган ғояларни аслида оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Улар нималардан иборат?

Авваламбор, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлиб, барча куч-қувватимизни, саъй-ҳаракатимизни Худо ато этган ақл-заковатимизни юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қилайлик.

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истиқболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкинсочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз тинчлигини, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

Қани айтинглар, қадрли дўстлар, юртдошлар, **диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч — шундай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?**

Ҳурматли дўстлар!

Дунёнинг кўпдан-кўп давлатлари, халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар мамлакатимизга амалий ёрдам бермоқдалар, юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларга катта қизиқиш ва ишонч билан қарамоқдалар.

Бўлиб ўтган Референдум узоқ-яқин қўшниларимиз орасида, умумжаҳон миқёсида давлатимизнинг обрўйига обру, халқимиз ҳурматига ҳурмат қўшди.

Давлатимизга, жамиятимизга билдирилаётган мана шундай ҳурмат-эҳтиромни янада мустаҳкамлаш учун тағин бир жиддий масала борки, уни ижобий ечишда сизлардан, муҳтарам депутатлар, ёрдам сўрамоқчиман.

Яъни: бўлиб ўтган Референдум натижасини, барча одамларимиз қўллаб-қувватлаган Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласини иккинчи президентлик муддати деб ҳисоблаб тасдиқлашингизни сўрайман.

Бу таклиф ҳақида, албатта, хабарингиз бор, деб ўйлайман. Шу масалани ижобий ечиб, ҳал қилиб олсак — буни ҳаммамиз тўғри англаб олишимиз керак — бундай қарор Ўзбекистонимизнинг демократик йўлдан дадил қадам қўяётганининг ва демократик нормаларни ҳурмат қилиб иш тутаётганининг яққол тасдиғи бўлур эди. Бундай қарор, албатта, Ўзбекистон обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширишга хизмат қилар эди.

Яна бир бор сиз халқ ноибларининг эътиборини шу масалага жалб қилиб, менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан.

Қадрли депутатлар!

Шу кунларда тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий сана арафасида турибди. Икки-уч кундан сўнг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади.

Шу муносабат билан, аввало, юртимиздаги барча уруш қатнашчиларини, инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта ҳисса қўшган **отахон ва онахонларимизни шу улуғ айём билан чин дилдан кутлайман, уларга сиҳат-саломатлик, бардамлик, хуш кайфият тилайман!**

Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳақида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Бу хусусда, назаримда, ушбу рақамлар энг ёркин далил бўла олади.

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан **1 миллион 433230** киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси 23 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо, биродарлар, аввало, **урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир.** Қолаверса, **1941** йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи **6,5 миллион** киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг **50-60 фоизи** урушга кетгани аён бўлади.

Улардан **263005** киши ҳалок бўлган. **132670** киши бедарак йўқолган, **60452** киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу маъшум уруш туфайли энг камида **тўрт юз минг оила** бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бугун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оилалари, фарзандлари олдида таъзим қиламиз, бош эгамиз.

Азиз биродарлар, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча юртдошларимиз хотираси учун, ўрнингиздан туриб бир дақиқа сукут сақлашингизни сўрайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, **кексаю ёш оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини,** азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етимесирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди.

Азиз дўстлар!

Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий уйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиққан «доҳий»ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўҳтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг **ҳаққонийликка, ҳақиқатга** ишончини ҳеч қачон сундира олган эмас.

Такрорлаб айтаман: Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари — Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих — бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиламиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, авваламбор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаммангиз яхши биласиз: мамлакат раҳбарияти уруш қатнашчиларининг иззат-икромига етиш, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида уларни ёлғизлатиб, кўнглини чўктириб қўймаслик учун катта ишларни амалга оширмоқда.

Мен бу борадаги қилинган ишларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Лекин бошқа айрим давлатларнинг раҳбарларига ўхшаб, фахрийларимиз, ветеранларимиз учун қилган ишларимизни такрор ва такрор кўз-кўз қилмасдан, бошқалар билан солиштирмасдан, бугун биз — Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати улар олдида доимо қарздор эканини изҳор этмоқчиман.

Бугун биз бу муътабар инсонлар сиймосида ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида қурбон бўлганлар мисолида — илоҳим, **уларнинг арвоҳлари шод бўлсин!** – Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида «Ватан — саждагоҳимдир» деган фикрни баён қилади.

Чиндан ҳам, **ватан туйғуси, ватан тушунчаси** биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам **эътиқодга**, чинакам **ақидага** айлансин.

Шундан кейин сизу биз бу дунёдан армонсиз ўтишга ҳақкимиз бўлади, деб ўйлайман. Миллий ғурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Собиқ СССР ўрнидаги ва яқин атрофимиздаги юзага келган ўта мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлашни, тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қилади.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик борасидаги асосий тамойиллар ва шу принциплар юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға сурган ташаббусларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён қилинган эди.

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг диққатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг — Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз — бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин — гапнинг очиғи, — кўпинча ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига, минг афсуски, ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равнақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очиқ қалб ва очиқ чеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, **қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар — ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.**

Мазкур жамоатчилик ҳаракати «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланса — айни муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шаксшубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган **кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, айни муддао бўлур эди.**

Бунинг учун эса бугун тамал тоши қўйилаётган Марказий Осиё халқларининг янгича дўстона муносабатларини беқарор таъсирларга берилмасдан изчиллик билан давом эттириш зарур.

Муҳтарам Олий Мажлис аъзолари!

Мана, 1995 йилнинг бешинчи ойи ҳам бошланди. Маълумки, бу йилдан халқимизнинг умиди катта. Мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, **бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши кутилмоқда.** Аммо, ҳар қандай умидбахш тахмин ва орзулар ҳам фақат қаттиқ меҳнат билан, изланиш ва машаққат билан рўёбга чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу йилги об-ҳаво ҳам, халқимизнинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам яхши ҳосиллардан дарак бермоқда. Азиз юртдошларимизнинг бизга билдирган ишонч ва умидларини оқлаш шу залда ўтирган ҳар биримизнинг ҳам ижтимоий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабурро, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: **кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар. Айниқса, муҳтожларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин.**

Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чжен Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси

Юнусов Рустам Расулович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Ҳамидов Бахтиёр Султонович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири

Ҳаққулов Қайим Жалилович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқарувининг раиси

Буломова Дилбар Муҳаммадхоновна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси

Алматов Зокиржон — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Аҳмедов Рустам Ўрмонович — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири

Мардиев Алишер Мардиевич — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

Комилов Абдулазиз Хафизович — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Отаев Валерий Йўлдошевич — Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири

Хусанов Расулмат — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири

Гиниятуллин Рим Абдулович — Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазири

Раҳимов Комилжон — Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири

Йўлдошев Жўра Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Салимов Оқил Умурзоқович — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири

Ҳайитбоев Эркин Қаҳҳорович — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири

Каримов Шавкат Иброҳимович — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

Умурзоқов Баҳодир Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири

Обидов Оқилжон — Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири

Михайлов Виктор Константинович — Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири

Гатаулин Шамил Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Набиев Тўлаган — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Шоёқубов Тўлқин — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

Рўзиев Собиржон Собитович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Ҳабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси раиси

Шоғуломов Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси

Ахмадбоев Акрам Ғуломович — Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат қўмитаси раиси

Хоназаров Абдушукур Абдуҳалилович — Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 26 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисида»ги 1995 йил 26 апрелдаги Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 5 май.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси, дейилади ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси қабул қилган қарорда, мустақил мамлакатимизда бунёд этилаётган миллий давлат қурилишининг туб масалаларини кўриб чиқади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг қўмита ва комиссиялари ҳамда депутатларининг фаолияти билан боғлиқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, республика Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Президент Фармонини тасдиқлаш, Олий суд ва Олий хўжалик суди аъзоларини сайлаш ва бошқа масалалар бор.

Олий Мажлис сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум якунлари ҳақидаги ахборотнинг депутатлар диққатига ҳавола қилиниши ушбу сиёсий тадбирнинг мамлакатимиз, халқимиз тақдири учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ушбу умумхалқ овоз беришида фаол иштирок этган мамлакатимиз фуқароларининг мутлақ кўпчилиги И. А. Каримов олиб бораётган туб ислоҳотлар йўлини, унинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлади, унга тўла ишонч билдирди ва ваколатлари муддатини якдиллик билан 2000 йилгача узайтиришга розилик берди.

Сиёсий ижроия қўмита Референдумнинг муваффақиятли ўтганлигида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам муайян ҳиссаси борлигини таъкидлаб ўтди. Қарорда кўрсатилишича, партиямиз бошланғич ташкилотларининг Референдумга бағишлаб ўтказган йиғилишларида 500 мингдан зиёд киши қатнашган, барча шаҳарлар ва туманларда партия тарғибот-ташвиқот гуруҳлари, Ўзбекистон ХДПнинг депутатлар фракциялари аъзолари фаол иш олиб бордилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз равнақи, фуқаролар фаровонлигини оширишга, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асрашга қаратилган серқирра фаолиятининг моҳияти ва аҳамиятини барча мавжуд воситалар орқали кенг тушунтирдилар.

Сессияда қабул қилинадиган қонунларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ва республикадаги сиёсий муҳитга жиддий ижобий таъсир кўрсатиши турган гап. Улар, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш сари қўйилган янги салмоқли одимлар бўлади.

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси аъзолари сессия кун тартибини шакллантириш ва муҳокамага киритиладиган ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлашда фаол иштирок этиб, ўз фикр- мулоҳазаларини билдирдилар, қўплаб таклифлар киритдилар.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича ўтказилган Референдум якунлари халқимиз хоҳиш-иродаси, сиёсий фаоллигининг ифодаси бўлганлигини қайд қилди, уларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти барқарорлиги, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ижтимоий-сиёсий аҳамиятининг беқиёслигини эътироф этди.

Сиёсий ижроқўм мамлакат парламентидаги партиямиз фракцияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг таклиф қилинган кун тартибини қўллаб-қувватлаш ҳамда муҳокамага қўйилаётган масалалар юзасидан ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишда Олий Мажлисдаги фракциямиз аъзолари фаол иштирок этганликларидан келиб чиқиб, уларни тўла маъқуллашни тавсия этди, фракция аъзолари сессиянинг самарали ўтишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларига партиямиз аъзоси бўлган барча даражадаги халқ депутатлари билан биргаликда аҳоли орасида Олий Мажлис иккинчи сессияси якунларига доир тушунтириш ишларини уюштириш, бу ишга партиямизнинг барча фаолларини жалб этиш, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ СЎНМАС

ТИНЧЛИК БИЛАН ЭЛ КЎКАРАР

«Худога шукурки, фарзандларимиз дунёга кулфат уруғини сочган урушлар ҳақида кинолардан, китоблардан, дарсликлардан, жангга кирганларнинг ҳикояларидан билишади.

Она сайёрамизга қора кўланкадай соя солиб, миллионларнинг ёстиғини қуритган, туғишганларни бир-биридан, суйганларни бир-биридан жудо қилган иккинчи жаҳон урушини инсоният ҳамон қалқиб-қалқиб, титраб-титраб, йиғлаб-йиғлаб эсга олади. Биз кўпинча уруш яралари, жароҳатлари ҳали битиб улгургани йўқ, дейишга ўрганиб қолганмиз. Мен, дунё тарихидаги бундай улкан ғазотнинг яралари ҳеч вақт битмаса керак, деб ўйлайман. Айниқса, биз каби унинг жонли гувоҳи бўлганлар қалбида, руҳида, бутун вужудида.

***

Мен 1911 йил 12 февралда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида деҳқон оиласида туғилдим. Онам ҳам, отам ҳам жуда ёш чоғимдаёқ касалликдан вафот этишган. Етимлик машаққатларини енгиш, ҳаёт синовларига дош бериш осон кечмади. Фарғона шаҳридаги Охунбобоев номли 3-интернатда ўтган йилларим менга кўп нарсани — саботни, чидамни ўргатди. 1928 йилда 3 ойлик педкурсни тугатиб, Асака туманининг олис Қабчиғай қишлоғида янги мактаб очиб, ўқитувчи бўлиб иш бошладим.

Сўнг Тошкентдаги мактабларда, халқ маорифи бўлимларида ишладим. Бироқ тўсатдан бошланган уруш барча орзу-умидларимни елга совурди. Институтни битиришим биланоқ, ҳарбий комиссариатга ариза бердим. Хўжанд шаҳридаги қисқа муддатли сиёсий ўқишни тугаллаб, кичик лейтенант унвонини олдим ва Фарғонадаги заҳирада турган 11-ўқчи полкка сиёсий раҳбар этиб тайинландим. Шу ерда тайёргарликдан ўтгандан сўнг бизнинг батальон 3-Белорусь фронтига жўнатилди...

Урушдан сўнг ўзим севган касб ўқитувчиликни давом эттирдим. Пойтахтдаги 16-, 119-, 14-, 102-мактабларда турли йилларда ўқитувчи, директор бўлиб ишладим. Камтарин хизматим ва жамоат ишидаги фаолиятим муносиб тақдирланди. «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони ва бир неча фахрий ёрлиқлар, медаллар билан мукофотландим. Муҳими, минглаб шогирдлар етиштирдим. Улар бугун турли соҳаларда баракали ишлаб келмоқдалар. Турмуш ўртоғим Машкурахон билан 2 ўғил, 3 қизни тарбиялаб ўстирдик, уйли-жойли қилдик. Учта невара келин, 5 та невара куёв, 16 невара, 14 та эварам бор.

Яратганга беадад ҳамду санолар бўлғайки, бу кун юртимиз тинч. Ғудаклар ором олиб ухламоқда, оналар хотиржам алла айтмоқда. Бу улкан саодатдир. Диёримизда дунё халқларининг таҳсинига сазовор бўлган беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари республикадаги тотувлик, аҳиллик, барқарорлик шарофатидир.

Қани болам, сиз ҳам дуога қўл очинг: Илоё, юртимиз тинч, осойишта бўлсин. Ҳар мўминнинг иймонини басаломат қилиб, саломатлигини зиёда қилган бўлсин, омин».

І-гуруҳ ногирони Ҳаким ота УМАРОВнинг дил сўзларини Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Лазиз ТАНГРИЕВ қоғозга туширди.

ТАЪЗИМ БАЖО КЕЛТИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан «Исломобод» маданий марказига бу сафар Тошкент шаҳри маҳаллаларининг оқсоқоллари, уруш ва меҳнат қаҳрамонларининг пурҳикмат фахрийлари таклиф этилди. Бу ерда Буюк Ғалабанинг ярим асрлик тантаналари нишонланди.

— Ғалаба осонликча қўлга киритилмади, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувчи раиси Шукур Темуров тантанани бошлар экан. — 1418 кун давом этган бу даҳшатли урушда тўрт юз мингта яқин ўзбек ўғлонларининг азиз жони қурбон бўлди.

«Исломобод»даги тантаналарда қатнашган кекса фахрийлар — меҳмонлар «Маҳалла» хайрия жамғармасининг эсдалик совғаларини ҳар гал кўрганларида бу кунги учрашувни ширин хотирадек ёдга олишлари шубҳасиз.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СИНФДОШЛАР УЧРАШУВИ

ЖИЗЗАХ. Бахмал туманидаги Ўрай қишлоғида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган йиғин бўлди. 20 йил аввал бу қишлоқдаги Усмон Юсупов номли 5-ўрта мактабни битирган 24 нафар собиқ ўқувчининг учрашуви ўтказилди. Уруш қатнашчилари, устозлар ва мактаб аҳли таклиф этилди. Шу куни билим учоғида қад ростлаган мардлик ёдгорлиги пойи гулларга тўлди. Йиғилган ёшу қари синфдошларни қутлуғ сана билан қутладилар. Уларнинг биринчи ўқитувчиси Исмат Отабоев ва устозлари Қурбон Ҳайдаровлар рамзий маънода дарс ўтишди. Йиғинда сўзлаганлар йигирма йил илгариги кунларга яна бир қайтдилар, уруш қатнашчилари эса даҳшатли 1941 — 1945 йиллар хотираларидан сўзлаб бердилар. Хуллас, бу тадбир қишлоқдошлар ёдида муҳрланиб қолди, дейиш мумкин.

Аброр ТОҲИРОВ.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси **"НАВРЎЗ"** *хайрия жамғармаси* **"ЎЗТАДБИР-КОРБАНК"** *Сизни* **ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ** *билан қизғин қутлайди*

Шу билан биргаликда уруш қатнашчилари ва фронт орқасида жасорат кўрсатган азиз юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш учун чиқарилган **"НАВРЎЗ — 95"** хайрия лотереяларини сотиб олишга таклиф этади.

Унда Сизга 1000 сўмдан 1000000 сўмгача ютуқ чиқиши мумкин.

"Ўзтадбиркорбанк" ва **"Наврўз"** жамғармаси энг кўп лотерея сотиб олган саҳоватли юридик шахсларга байрам туҳфаси сифатида алоҳида имтиёзлар яратиб беради.

Ютуқлар тиражи шу йил 30 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Наврўз ва Ғалабанинг 50 йиллиги байрамлари Сиз учун зафарлар айёми бўлсин!

Ўзбекистон – Ҳиндистон

PROFIL ENTERPRISE

фирмаси

уч хил турдаги ҳинд чойини

СОТАДИ

Телефон: 34-10-01.
Тел/факс: 33-07-80.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт билим юрти 15 ва 20 май кунлари абитуриентлар учун

ОЧИҚ ЭШИКЛАР

кунини ўтказади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси 1кв. 9-уй.

Автобуслар: 2, 94, 34, 77, 50, 80.
Троллейбуслар: 6, 11.
Трамвайлар: 4, 9.
"Чилонзор" бекати. Метронинг "Ҳамза" бекати.

ОРИЯТ ЎҚИ

«Ракат» маҳалласида бир отахон бор. Тиниб-тинчимайди. Токларни қайчилайди, дов-дарахтлар тагини юмшатади, гулзорларга сув тарайди. Унинг ўнг қўл бармоқларини чап қўли билан кетмонни дастасига ушлатиб, чопиқ қилаётганини ҳар гал кузатганимда алланечук бўламан. Унинг ярасини янгилаб нима қиламан, деган андиша билан сабабини суриштирмайман. Бу сафар отахонни «Ғалаба»га тайёргарлик зўрку, дея гапга солдим.

— Урушда ўғлим, худога беадад шукр, туз-насибамиз қирқилмаган экан, ёруғ дунё ҳузурини кўриб юрибмиз, — дея ҳикоя қилади отахон. — Мени уруш бошланган куни чақиришган. Чирчиқдаги пулеметминомёт ўқувидан кейин кичик лейтенант бўлдим. Сентябрда Москвага йўл олдик.

Назаримда Москвада тақсимот бўлди, шекилли, октябрга бориб, Воронеж фронтига йўлландим. У ерда 383-полкнинг 1-ротасида взвод командири бўлиб хизмат қилдим. Росмана олишувни Воронежни озод қилишда бошдан кечиришга тўғри келди. Бир йилдан кейин мени рота командири қилиб тайинлашди.

Биз жойлашган қишлоқ яқинида Селинтиск тепалиги бўлиб, душман бу ерга мустаҳкам ўрнашиб олганди. Бу тепаликни ишғол этмасдан туриб, олдинга силжиш амримаҳол бўлиб қолди. Шунда командиримиз бир йўла учта рота билан тепаликка тўғридан-тўғри ҳужум уюштириб, мақсадга эришишни кўзлади. Мен эса командиримизга: «Яхшиси музлаб ётган тепаликни иккита рота билан ўраб, бир рота билан ҳужум қилсак, дуруст бўлармиди», деган мулоҳазани билдирдим. Аммо командирнинг буйруғи қатъий эди... Жанг бошланди. Ўқ ёмғири тинмас эди. Ротамиз жангчилари қўлларидан келган барча ҳунарларини ишга солиб, тепаликка ўрмалаб кетдилар. Ғалаба яқин қолганида мина портлаб, елкам аралаш қаттиқ ярадор бўлдим. Мени судраб пана жойда замбилга олишди. Роса қонга бўялган эдим. Холироқ жойга олиб келишганида чап қўлим билан чеккамдан яна ўқ едим. Шу топда взвод командиримиз: «Ий-я, Обидов жанг қилиб бўлибди-ку!» деб, ҳақоратомуз муомалада бўлди. Менинг орим келди. Қандай қилиб, пистолет тепкисини босиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Кетма-кет ўқ овози варанглади. Командиримиз омон қолдими ё йўқми билмайман. Мен ҳушимдан кетган эдим. Шу алпозда мени ўлдига чиқаришиб, ярадорлар рўйхатига ёзишни унутишган экан.

Тамбов шаҳар госпиталида ётганимда, кейинчалик отамнинг ҳикоясига қараганда, уйга қорахат келган. Отам ҳарбий комиссариатга борганда унга: «Ўғлингиз, Аҳмаджон Обидов, қаҳрамонларча ҳалоқ бўлди» деб қоғоз тутқазишган. Отам эса: «Менинг ўғлим ўладиганлардан эмас. У ҳаёт! У албатта Ватанига қайтади», деб қўл силтаб чиқиб кетган эканлар. Отам кунглига солган эканми, омон қолдим. Лекин госпиталда шифокорлар ўнг қўлингизни кесиб ташлаймиз деб туриб олишди. Қарасам бармоқларим ҳаракат қиляпти. Сира кўнмадим. Ахири очиқ яра билан Тошкентга қайтдим. Ўнг қўлимни билак суягисиз осилиб ётиши шундан. Бу ҳаммаси урушдан. Қизил Юлдуз ордени, 15 га яқин медаль ана шулар эвазига.

Шундай деймизу, лекин инсон боласи хотирадан сира қочиб қутулолмайди. Кундузи эсламасанг, тушингда ўзи аён бўлаверади. Узига шукр, болачақа, невара-чевара, қуда-анда дегандек яшаб турибмиз. Урушдан кейин ҳам роса хизматни қилдик. У ён-бу ён 48 йил маориф соҳасида ишлабман. Шунақа. Умримиз беҳуда ўтгани йўқ. Ҳамиша ишларни дуо қиламан. Юртимизга тинчлик-хотиржамлик ва барқарорликни тилайман...

Ҳайдар НОСИРОВ.

УКРАИНАНИ ОЗОД ҚИЛГАН ЎЗБЕКЛАР

Гитлерчилар Германияси 1942-43 йилларда кенг қўламда қаттиқ ҳужумларни давом эттириб, СССРнинг анчагина ҳудудини эгаллаб олган оғир дақиқалар эди. Бу даврда фельдмаршал фон Паулс қўмондонлигида Сталинградга ялпи ҳужум бошлаган фашистлар йўлида Қизил байроқли 206-Корсун ўқчи дивизияси жиддий ғов бўлиб турарди. Мана шу дивизия сафида Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидан Олимжон ака Ортиқов, Акмал Икромов (собиқ Октябрь) туманидан Ёдгор ака Исомиддинов, Мирзо Улуғбек (собиқ Куйбишев) туманидан Ҳамид ака Амирхоновлар ҳам бор эди. Улар Украина пойтахти Киевни фашистлардан озод қилиб, Курск ёйида, душман қўшинларига қирон келтирдилар.

Маҳкам МАҲМУДОВ, Юнус ЗИЁДОВ.

БУЛАРНИ УНУТИБ БЎЛАДИМИ?

1941 йили 22 июнда САГУ физматининг тўртинчи курсида охирги имтиҳонни топшириб кучага чиқсам, «сквер»нинг нариги томонидан радиокомитет биноси тепасидаги радиокарнайдан баланд овоз билан қандайдир муҳим ахборот бериляпти. Ёнимдаги одамлардан нима гаплигини сурадим. Уруш бошланибди, дейишди қайғу билан. Мен радиога бордим ва уша ердаги киоскадан газета олдим. Ҳам радио эшитяпман, ҳам газета варақлаяпман. Радиода Молотовнинг уруш бошланганлиги ҳақидаги баёноти бериляпти. «Қизил Ўзбекистон» газетасида уруш ҳақида ҳеч нарса йўқ, лекин мухбир Ғиёс Ашуровнинг Самарқандда Амир Темур қабрининг очилганлиги ҳақидаги ахборотига дарров кўзим тушди. Шундай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳам Амир Темур жасади қўзғатилганлигидан, ҳам уруш бошланганлигидан хабардор бўлдим.

Бу икки воқеанинг деярли бир вақтда содир бўлиши илмий жиҳатдан, эҳтимол, бирбирига унчалик алоқаси йўқдир, лекин уша пайтдан бошлаб шу вақтгача, гоҳо уларни бир-бирига боғлайдиган одамлар йўқ эмас. Бу эса илмга асосланган боғланишдан кўра кўпроқ қалбдан чиққан садони ҳис этишдир.

Армияда, фронтда уч ярим йил хизмат қилдим. Э-ҳе, нималарни кўрмадик, нималарга бардош бермадик. Лекин умримиз бекор ўтмади: чиниқдик, ўсдик, ундик. Энг асосийси — Ватанимизни ҳимоя қилишда фаол қатнашдик. Мана ярим асрки, юзимиз ёруғ. Урушнинг ўзидаги ҳиссиёт ҳақида гап кетар экан, ҳаёт билан мамотнинг бир-биридан ажралмай, битта-яхлит бўлиб қолган ҳолатини баён этгим келади. 1945 йили 16 апрелда «Берлин операцияси» бошланди. Бунда 1-Белоруссия ва 1-Украина фронти 52-армия 254-дивизия 936-полкда разведка взводининг командири эдим. Германиянинг Нейссе анҳоридан Бауцен шаҳригача деярли ухламай кеча-кундуз фашистларни қувиб бордик. Қизиғи шундаки, йўлимиздаги Бунцлау шаҳрида 1812 йили Кутузов Наполеонни қувлаб келиб ҳалоқ бўлган экан. Мени ўйлантириб қўйган фикр — нима учун ҳозир немислар қочаётганида ҳам Кутузовнинг улкан ҳайкалига шикаст етказишмаган, рус аскарларининг биродарлик қабристони саранжом-саришта сақланган? 20 апрелда Бауцен шаҳрига етиб келдик. Шаҳар ичига кирдик ҳам. Бизга топширилган вазифалардан бири Э. Тельманни шу шаҳар турмасидан қутқариш эди. Шаҳар ичида қаттиқ жанг кетди. Душман бизни ўраб олмоқчи бўлди, биз сал ташқарига чиқдик. Иккита траншея. Ораси 200-300 метр. Бирида немислар жойлашган, улар ташлаб кетган иккинчисини биз ишғол қилдик. Немисларнинг бошлари ва қуролласлаҳалари узоқдан кўриниб турарди.

Уруш тамом бўлган куни мен Германиянинг Заган шаҳридаги госпиталдан атак-чечак қилиб кучага чиқиб, «Қизил Ўзбекистон» газетамизнинг собиқ мухбири Зиё Аминовни кўриб қолдим. Иккаламиз қуюқ кўришдик. У киши фронтимизнинг «Ватан шарафи учун» газетасида ҳарбий мухбир бўлиб хизмат қилар экан. Мени газета редакциясига олиб бордилар. У ерда шу газета редактори Рустам Абдураҳмонов (урушдан олдин «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири эди), ҳарбий мухбирлардан Зиннат Фатхуллин, Тулаган Соатов, Фотиҳ Қаюмовлар билан самимий суҳбат қилдик. (Улардан ҳозир фақат Фотиҳ ака омон).

Дивизиямиз «Черкасская дивизия» номи билан юритилади. Ҳар йили биз дивизия жангчилари Украинанинг Черкасск шаҳрида ғалаба кунларида учрашамиз. Суҳбатларимиз ҳис-туйғулар билан тўлиб тошади. Урушдан кейин 50-йилларгача урушга ким бордиким бормадига озроқ эътибор берилди. Сўнгра фарқи қолмади, ҳатто оёқ-қўлсиз уруш қатнашчилари кучаларда ўтиришар эди. Минг шукурки, орадан шунча йил ўтгандан кейин бўлса-да, уруш қатнашчиларига маълум имтиёзлар берила бошланди. Айниқса, истиқлол туфайли ватанпарварлик ҳиссиёти чин маънодаги маънавий қадрият касб этмоқда. Биз бундан мамнунмиз.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, иккинчи жаҳон уруши ногирони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Аҳмад ВАЛИЕВ. Унинг номини пахта далаларида кўрсатган жасорати элга таниттанди. Лекин унинг жанг майдонларидаги матонати асло кам эмас. Зотан, у оловли олишувларда ярадор бўлганида агар соғайиб кетсам, бутун умримни бунёдкорона меҳнатга бағишлайман деганди. Худди шундай бўлди: 1975 йилда кўксини Меҳнат Қаҳрамони нишони безади.

Ҳозир Аҳмаджон ака пойтахт вилоятидаги Зангиота туманининг ҳурматли фахрийларидан. Ғалабанинг 50 йиллиги байрамини шукроналар айтиб кутиб олмоқда.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

АБДУКАРИМ МУСИҚАЧИ

Бу воқеа худди афсонага ўхшайди. Аслида эса ҳақиқат.

1945 йилнинг март ойи охирлари. Полкимизга госпиталда даволаниб чиққан йигирма нафар солдату сержант — фронтовойлар келишди. Ҳаммасининг кўкрагида қатор орден ва медаллар ярақларди. Сафда битта ефрейтор ҳам бор эди, ғижжак кўтарган. Афти-башарасидан ўзимиз томондан эканлиги билиниб турарди.

— Қаерликсан, гвардиячи ефрейтор?— қизиқиб суради полк комиссари майор Зотов.

— Ўзбекистонданман.

Шундай қилиб, гвардиячи ефрейтор Абдукарим Ҳожиев полкнинг разведкачилар взводида хизматни давом эттира бошлади.

Биз эса улар билан ёнма-ён жанг қилардик

— Биродар, бу дейман, ғижжакни уйдан олиб келганмисан?

У тезда жавоб қилмади. Чекиб турган мохоркасини ташлаб, оғзидан узун тутун чиқариб бўлгач, деди:

— Уйдан ғижжак олиб чиқиб эсимни ебманми, старшина... Бу ғижжакнинг тарихи ва таърифи жуда узун...

Абдукарим ҳарбийга 1939 йили чақирилгани, хизматни Сталинободдаги 124-суворийлар полкида ўтагани, хизмат муҳлати тугайдиган 1941 йили уруш бошланиб уйгамас, фронтга жўнаганлиги ҳақидаги саргузаштини айтиб берди.

— Полкимиз генерал Доваторнинг отлиқ корпуси таркибида Москва остоналаридаги даҳшатли жангларда қатнашди,— деди Абдукарим.— Доваторчилар Смоленск вилоятидаги қаттиқ жанглардан кейин Калинин шаҳрини шимолдан айланиб ўтиб, Лихославль, Кимри, Дмитров қишлоқлари орқали Солнечногорскга келишганида биз уларга қўшилдик. Ғарбий фронт қўмондони, армия генерали Г. К. Жуков бизнинг отлиқ корпусимиз олдига вазифа қўйди. Биз Ленинград тошйўлига чиқиб, бошқа қисмлар билан ҳамкорликда душманнинг Москвага қилаётган ҳужумини тўхтатишимиз лозим экан.

— Ҳа, даҳшатли кунлар эди,— давом этди Абдукарим.— Эртаси ҳам, ундан кейинги кунлар ҳам шиддатли жанглар давом этди. Октябрнинг охирларида, душман жуда катта талафот эвазига Волоколамск, Руза қишлоқларини ишғол этди. Жуда оғир кунларни бошдан кечирдик. Лекин руҳан тетик эдик. Бир воқеа эсимга тушди. Январнинг охири — февралнинг бошлари эди. Оқшом шерикларим билан бир хонадонга кирдик. Чол билан кампир бизларни илиқ кутиб олди. Жавон устида турган ғижжакка кўзим тушиб қолди.

— Чалса бўладими?— сўрадим.

Чол индамай ғижжакни олиб менга узатди. Ҳазрат Алишер Навоий ғазалига басталанган «Гулбарги» билан «Абдураҳмонбеги»ни чалдим. Шундан кейин чолнинг дили бироз очилди. Афтидан, ўзиям бастакорга ўхшарди-да.

— Музикантмисан?— сўради мендан.

— Ҳаваскорман. Мактабда ўқиб юрганимда тўгаракда ўрганганман,— деб жавоб бердим.

Чол бир варақ қоғозга нималарнидир ёзиб менга узатди.

— Агар яна бу шаҳарга келиб қолсанг шу адресга кир. Карл Вейсс — машҳур асбобсоз. Антиқа ғижжаги бор. Ўзи ясаган. Ертўладаги сандиқда асрайди. Камонни нафақат торига, ёғочига қўйиб тортсанг ҳам ғаройиб оҳанг чиқаради. Унақа ғижжак дунёда битта! Уша ғижжакни ҳам бир чалиб кўр, дили — жонинг яйраб кетади...

— Тақдирни қарангки,— Абдукарим ҳаяжон билан давом этди,— 3- Белоруссия фронти, 2-гвардиячи армия таркибида 1945 йилнинг апрелида Шарқий Пруссиянинг худди уша шаҳрига — Норденбургга кириб борсак бўладими! Шаҳар ишғол қилингач, командирдан рухсат олиб, бир ўртоғим билан чол берган адрес бўйича йўл олдик. Карл Вейсс уруш бошланган кезлардаёқ ёруғ дунёни тарк этган, кампири ҳаёт экан. Аввал бизни нохуш, аниқроғи шубҳа билан қарши олди. Ҳийла мулойим, дўстона суҳбатдан кейин унда бироз хотиржамлик пайдо бўлди. Мен гап бошладим:

— Ертўлангиздаги сандиқда асраётган ғижжагингизни бир кўриш иштиёқида келдим. Польшалик танишларингиз адресингизни берувди. Агар мумкин бўлса...

Кампир индамай чиқиб кетди-да, ғижжакни олиб келди. Ғилофини кўрибоқ ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Ичига кўк духоба қопланган экан. Ҳавас билан ғижжакка тикилиб қолдим.

— Олинг, чалишни билсангиз, чалиб кўринг,— деди кампир.

Биринчи марта ярадор бўлиб, госпиталда ётганимда яҳудийми, полякми билолмадим, бир бастакор Штраусдан битта, Моцартдан битта куй ўргатган эди. Штраусниг «Вена ўрмони афсонаси» куйини аста чала бошладим. Кампирнинг кўзига ёш қалқди...

Сўнг:

— Шу ғижжак биздан сенга эсдалик бўлсин, ол,— деди у.

— Йўқ, йўқ. Бировга совға қилинмайдиган нозик асбоб экан,— дедим ҳижолат ила.

Ана шу сиз кўрган ғилофдаги ғижжак — уша машҳур Карл Вейсснинг ғижжаги...

Қўшинларимиз шиддатли жанглар билан душманни қувиб ғарб сари бораркан, биз «эронлилар»ға ҳам эътибор қучайди. (1921 йилда тузилган шартнома асосида 53-махсус армиямиз уруш йиллари вақтинча Эронда турган эди). Қардош республикалардан полкимизга артистлар кела бошлади. Ўзбекистон, Арманистон артистларидан кейин озарбайжонликлар келишди. Ушбу концертда Абдукарим ҳам қатнашиб, аввал «Тановар»ни чалди. Кейин эса Иоганнес Штраусниг «Вена ўрмони афсонаси»ни ижро эта бошлади. У бу куйни шу қадар моҳирона ижро этдики, куй тугагач, барча полкдошлар овққа туриб Абдукаримни олқишлашди.

Гвардиячи ефрейтор Абдукарим Ҳожиев асли Бухоро вилоятининг Жондор туманидан эди. Оламдан ўтганига ўн йилдан ошди. Урушдаги яралар унинг умрига завол бўлди. Аммо, уша машҳур ғижжак Абдукаримдан қолган нозик хотира сифатида аваллаб сақланади.

Мавлон ИКРОМ.

Шамрнома

ИЙМОН ЯЛОВБАРДОРИ

Ҳозир ҳазрат Соҳибқирон тўғрисида жуда кўп ёзиляпти. Ул зот ҳукмронлик қилган давр анча чуқур таҳлил этиляпти. У ҳақда ёзилган бошқа тиллардаги асарлар ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Бу албатта қувонарли ҳол. Лекин, Амир Темур ҳазратлари ҳақларида ёзилган баъзи мақолаларда у зоти баракотнинг улуғвор ишларини таъкидлаш баробарида, унинг жуда кўп юртларни БОСИБ ОЛГАНЛИГИни ҳам қайд қилиб ўтиш ҳоллари учрамоқдаки, бу ўз тарихимизга бўлган муносабатда ҳали ҳам эҳтиёткорлик, ҳадиксираш каби иллатлардан тўла қутула олмаётганлигимизни кўрсатади.

Ваҳолонки, ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан «босиб олган» деган иборани ишлатиш ўз тарихимизга нисбатан ҳурматсизлик билан баробардир. Амир Темур ҳазратлари БОСИБ ОЛГАН ЭМАСЛАР, балки ФАТҲ ҚИЛГАНЛАР. Босиб олмоқ ва фатҳ қилмоқ эса тамоман бошқа-бошқа тушунчалардир. «Босиб олмоқ»нинг маъноси изоҳга муҳтож эмас. «Фатҳ қилмоқ» эса арабча «фатаҳа» (очмоқ) сўзидан олинган бўлиб, ислом тарихи билан боғлиқ тушунчадир. «Фатҳ»дан мурод инсониятнинг жаҳолат ва залолат билан тўлган қалбини Иймону эътиқодга, демакки, Эзгуликка очмоқдир. Бу мақсадни амалга оширгувчи эса ФОТИҲ (кишилар қалбини очувчи, яъни мудроқ қалбларни уйғотувчи) ҳисобланади. Ҳазрат Соҳибқирон ўз олдиларига ана шундай улуғвор мақсадларни қўйдилар ва Тангри таоло иноятн билан бу вазифани қойиллатиб адо этдилар.

Амир Соҳибқирон ўзларининг бундайин улуғ мартабаларга эришиш сабабларини қуйидагича изоҳлайдилар: «...мен Аллоҳ таоло томонидан барча инсонларга раҳнамо қилиб юборилганман, у менга салтанат ато қилди ва тахтимни мустаҳкам этди. Аллоҳ менинг феълимдаги мана бу ўн икки сифатим эвазига менга шуни ҳадя қилди.

Биринчидан. Мен сифатларимнинг энг аввали деб бағаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарардим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймадим.

Иккинчи. Мен ҳар доим исломга қатъий риоя қилардим ва Аллоҳ таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарардим.

Учинчи. Мен камбағалларга кўп хайру-эҳсон қилдим; ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим.

Тўртинчи. Халойиққа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўрагидан итармадим. Қўрқондаги парвардигорнинг: «Аттаъзим ли амриллоҳ ва-шшафқату ъала халқиллоҳ» оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим.

Бешинчи. Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал Тангри тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим.

Олтинчи. Барча сўзларимда доимо ҳақиқатгўйликка амал қилдим; бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим. Жумладан, эшитган эдимки, парвардигор тало биринчи инсон — Одам Атони яратганда, малойиклар унинг яратган биринчи мавжудоти одам эканидан норози бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг бу иши яхшиликка олиб келмайди, деб қайғурдилар. Малойиклар худо яратган одам, шубҳасиз, ўзи кабиларни алдайди, берган ваъдаларини бажармайди, уларни ўлдиради ва ўзининг разил қилмишлари билан Аллоҳни инсонни яратганидан албатта афсуслантиради, деб парвардигорни ишонтирмоқчи бўлдилар.

Бу ҳикоятнинг маъносини яхшилаб ўйлаб ва мағзини чақиб кўрганимдан кейин парвардигор, гуноҳлари учун жазо берувчи қилич деб, ўзи яратган одамиятининг ҳокимларини назарда тутганлигини тушундим. Шунинг учун умр бўйи ҳар бир ишда адолат сақлашга ва тўғри йўл тутишга ҳаракат қилдим.

Еттинчи. Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим; ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим.

Саккизинчи. Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигорнинг ёки унинг ноибларининг изнисиз уни сарф этмадим. Тангрининг иродасисиз унинг бандаларининг ҳеч бирига зарар етказмадим.

Тўққизинчи. Мен ҳар доим Тангрининг амрини ва унинг пайғамбарининг ҳадисларини тўла адо этишга интилдим. Барча қилмишларимда шариат йўсунларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбарни ва унинг саҳобаларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим.

Ўнинчи. Мен ҳар доим ислом байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим. Мен иймон билан қудрат бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам иймонга таянган қудрат буюк бўладур.

Ўн биринчи. Мен доимо саййидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим. Уларнинг дин масалалари юзасидан айтганларини диққат билан тинглаб олардим ва уларга амал қилардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди.

Ўн иккинчи. Мен ўзимнинг икромиятим ва раҳмдиллигим туфайли кишиларнинг энг паст табақаларининг ҳам, ҳатто бошпанасиз гадоларнинг ҳам раҳматига сазовор бўлдим. Бутун жаҳдим билан бу табақадаги кишиларнинг аҳволини осонлаштиришга ҳаракат қилдим. Мўмин-мусулмонларга нисбатан олийжаноблик билдирдим, ҳар қандай арзимас гуноҳлари учун ҳам уларга қаттиқ жазо беравермадим. Пайғамбар авлодларига ҳар доим катта ҳурмат билан қарадим», («Зафар йўли», 9-11-бетлар).

Улуғ бобокалонимизнинг мазкур ўн икки сифатларида биз авлодларга нақадар улуғ ибрат дарслари бордир! Бу ўгитларни ўз фаолият дастури қилиб олган фикр эгалари, ҳеч шубҳа йўққи, некбахт ва саодатманд бўлгайлар.

Зеро, дунё тарихига назар солинса, қаердаки адолат, раиятга шафқат, хайру саховат ва илму ирфонга эътибор кучли бўлган бўлса, ўша жойда тараққиёт ҳам юксак бўлганлигини кузатиш мумкин.

Шу жиҳатдан, ҳазрат Амир Темур Кўрагон Соҳибқирон олиб борган сиёсат биз авлодларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлмоғи лозим.

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,
филология фанлари номзоди.
Неъмат ҲАКИМ,
мусаввир, Амир Темур халқаро жамғармаси таъсис ҳайъати аъзоси.

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.00 — 7.45 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
7.45 «Генерал Собир Раҳимов». Бадиий фильм.
9.20 М. Бафоев, З. Обидов. «Зафарнома». Оратория.
9.55 ТОШКЕНТ. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ. БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД.
10.45 «Қушиқларим мадад бўлсин, сенга аскаржон». Киноконцерт.
11.05 Болалар учун. «Билиб қўйки сени Ватан кутади».
11.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Саргайган мактублар». Премьера.
12.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.50 «Аёл борки олам мунаввар».
13.15 — 13.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Ҳарбий марш садолари остида». Премьера.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Уруш йилларини эслаб...». Премьера.
18.50 «Ўн етти ёшлилар жасорати».
19.10 «Ғалаба нашидаси». Кинокўрсатув.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Жангчи алломалар».
20.20 «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД. РЕПОРТАЖ.
22.15 «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ.
00.15 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
00.30 — 00.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.40 «Бу бўстон аро...». Самиг Абдуллаев.
20.10 «Ҳамшаҳарлар».
21.10 — 23.20 «Оддий фашизм». Ҳужжатли фильм. 1—2-сериялар.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Туғишгандан афзал». Бадиий фильм.
18.30 «Енгилмаслар».
18.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
18.50 «Енгилмаслар».
18.55 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Давлат Кремль саройидан олиб кўрсатилади.
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
21.25 — 21.45 «Шеърият альбоми».

СЕШАНБА, 9

АССАЛОМ ҒАЛАБА, АССАЛОМ ЖИҒИЛИК!

ЎзТВ I

6.00 — 01.00 БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНҒАН ЎЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР КУНИ.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.40 «Кўнгил».
18.50 «Жозиба».
19.10 «Бир шингил ҳангома».
19.20 «Тасвирларда барҳаёт мардлик».
19.40 Янгиликлар.
19.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.30 — 22.10 «Кинонигоҳ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 7.50 «Телетонг».
***
17.15 «Белорус вокзали». Бадиий фильм.
18.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.00 «Урушдан кейин кеч соат олтида». Байрам ахборот кўрсатуви.
20.05 «Время».
21.00 — 23.30 Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бутунжаҳон Озодлик концерти. Амстердамдан кўрсатилади.

ЧОРШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали. «Тақдир эшиги».
9.20 «Вобкентлик хонанда». Фильм-концерт.
9.50 «Кафолат».
10.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.50 Болалар учун. «Сирли най». Республика Қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.50 М. Бафоев, А. Орипов. «Ҳажнома». Оратория.
12.35 — 14.30 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўғирноқча».
18.40 «Ғаниат дамлар». Ғ. Ғулом таваллудига бағишланади.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанни севмоқ иймондандур...».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Олтин мерос». Солижон ҳофиз.
22.15 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.45 «Шоҳсупа сари».
20.15 Актёр Виктор Вержибицкий ижоди.
21.05 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
21.35 — 23.15 «Кинематограф».

«ОМАД» таништиради:

20.15 — 23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 10-серия.
19.05 «Кинопанорама».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 22.10 «Саҳро каламушлари». Бадиий фильм (АҚШ, Буюк Британия, 1953 й.).

ПАЙШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ҳаётий воқеа». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Чотқол тизмалари бўйлаб».
10.15 «Кашф этилаётган имкониятлар».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.30 «Ёшлар билан юзма-юз».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00—12.40 Халқ ижодиёти. «Айтишув».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.30 «Мулқдор».
19.05 «Юзма-юз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қашқадарё.
22.20 «Бешинчи рукн». «Ҳажнома». Ҳужжатли видеофильм.
23.15—23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-аталье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45—23.25 «Кинонигоҳ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 11-серия.
19.05 «Маҳбубалар». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05 — 22.25 Кино асри. «Йигирма бир кун». Бадиий фильм (Буюк Британия, 1940 й.).

ЖУМА, 12

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм.
9.25 «Комилжон Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.
10.00 «Тараққиёт».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табииёт.
11.00 «Ёшлар куйлаганда».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.30 «Мерос». Ҳувайдо.
13.10—14.40 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.30 «Ишбилармон».
18.50 «Ўзбекона лутф».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эл тинчлиги йўлида». ИИВ Академияси фаолиятига бағишланади.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 «Европани лол этган хонанда». Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева.
23.00—23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Хотира». В. Погосьянц. Кинокўрсатув.
20.10—22.25 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 «Телетонг».
***
17.50 «Бомонд».
18.10 «Аляска Кид». Телесериал. 12-серия.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—22.05 «Маърифат асри». Телесериал. 1-серия — «Инқилоб алангалари» (Франция, Куба, «Ялта-фильм», «Экран», 1993 й.).

ШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Ш. Шоҳимардонова, Ҳ. Ғулом. «Муҳаббат навоси». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма театри-нинг спектакли.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.40 «Иҳодкор портретига чизгилар». Кинокўрсатув.
11.15 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
11.50 — 13.00 Болалар учун фильм. «Ғалати гаров».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.45 «Ёшлик оқшоми».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Саньатга бахшида умр». Халқ артисти Галия Измайлова.
22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Темирйўлчи».
23.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Акс-садо».
20.10 «Пульс». Хабарлар.
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.35 — 23.15 «Кинематограф».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 Луи де Фюнес «Жандарм уйланади» кинокомедиясида (Франция, 1968 й.).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Шиндлер рўйхати» — Умумроссия телеканали телепремьераси. Режиссёр Стивен Спилберг билан суҳбат.
21.05 «Маърифат асри». Телесериал. 2-серия — «Халқлар қони».
22.25 — 23.05 «Оба-на».

ЯКШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Болалар киносеанси.
9.30 «Шоҳруҳ клуби».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
11.45 «Менда фикр бор».
12.30 — 14.20 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Дўппи».
20.15 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мозийга бир назар».
22.05 «Якшанба оқшомида».
22.55 — 23.25 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.10 «Кўнгил».
10.20 «Жозиба».
10.40 «Бир шингил ҳангома».
10.50 «Тасвирларда барҳаёт мардлик».
11.10 Янгиликлар.
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 — 13.40 «Кинонигоҳ».
***
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Панорама».
22.00 «Компьютер-Осиё».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Даракчи».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 Режиссёр С. Спилберг фильми. «Шиндлер рўйхати» (АҚШ).
21.00 «Якшанба».
21.45 — 23.10 «Маърифат асри». Телесериал. 3-серия — «Собордаги портлаш».

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги масъулияти чекланган жамият «Жозиба» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ ДИҚКАТИГА!

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси 1995 йил 7 май куни Тўқимачилар саройида очиладиган доимий фаолиятда бўлган енгил саноат маҳсулотлари кўргазмасига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сизнинг диққатингизга улгуржи ва чакана нархларда кенг турдаги пахтадан тайёрланган ва ипак газламалар, замонавий кийим-кечаклар, пойабзал, атторлик, пайпоқ ва чинни корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, тикув иплари

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

Бундан ташқари, қандай тармоққа қарашли бўлишидан ва мулкчиликнинг қайси шаклида эканлигидан қатъи назар ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга хом ашё ва материаллар

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Баҳоси бозор нархларидан анча арзон!

Кўргазмада "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари иштирок этадилар.

Сизларни ҳар куни соат 9⁰⁰ да қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, Тўқимачилар саройи.

Маълумот учун телефонлар:
☎ 39-10-33, 39-13-49.

Йўналиш:
Бобур номли истироҳат боғи.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 03.05

123456.